

ТАЪМИНОТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Гузор тумани

«20» июл 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Гузор тумани ДСИ** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи бошлиқ в.б. **С.С.Бобоқулов** бир томондан, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритиладиган "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ номидан **Устав** асосида ҳаракат қилувчи корхона раҳбари **А.Ғуломов** билан **Гузор тумани ДСИ** даги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур таъминот шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;
 - ижро ҳужжатлари – етказиб берилётган махсулотларни бажариш учун масъул бўлган шахсларга куйилаётган талабларнинг аниқ ёритилиши, сифат кафолати, етказиб беришдаги махсулотларга куйиладиган техник улчамлар ва меъзонлар.
 - Етказиб берувчига қурилиш майдонига махсулотларнинг уз вақтида олиб келиб берилишидаги талабнинг юклатилиши;
 - шартномада махсулотларнинг ҳар бир категорияси ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда курсатиш бўйича умумий қийматини таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Таъминотчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Кашькадарё вилояти Гузор тумани "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ жорий объектида кузда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун бирламчи зарур булган қурилиш молларини етказиб бериш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Таъминотчи учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва Таъминотчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда кўшилган қиймат солиғи билан бирга **3 001 800 (уч миллион бир минг саккиз юз) сўми** ташкил этади.

4. Қурилиш молларининг умумий қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - қурилиш қийматини узгартирилишига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - махсулотлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Таъмирлаш ишлари чузилиб кетганда (бир йилдан ортиқ бўлганда) шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Таъминотчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ТАЪМИНОТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча етказиб берилётган махсулотларнинг уз вақтида сифатли ва кафолатли бўлишини таъминлаши
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларни етказиб бериш, уларни тушириш, омборга жойлаш таъминлайди;
- Буюртмачини уз вақтида хабардор қилиш (кузда тутилмаган ҳолатларда кечикиш булганда)
- мазкур шартнома бўйича таъминотчи ишлар бошланган санадан бошлаб 1 ой муддатда таъмирлаш манзилига ўзига тегишли қурилиш материаллари етказиб берилишини таъминлаши таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Таъминотчи мавжудлигини кафолатлаган сумманинг 90% га тенг бўлган қисмини бажариш мажбуриятини олади.

9. Таъминотчи Буюртмачига барча етказиб берилган қурилиш молларини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлик ҳажмда тақдим қилади.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- ишлар бажарилиши устидан доимий сифат назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Таъминотчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш ҳамда сифатли қурилиш молларини қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Таъминотчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Таъминотчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Таъминотчига хизматни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса Таъминотчи олдида тулик жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга қиради.

14. Таъминотчи мазкур шартномага илова қилинган қурилиш молларини жадвалига мувофик етказиб беради.

15. Қурилиш молларини «31» «июль» 2022 йилгача етказиб топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича махсулотлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўткази, бу **900 540 (тууқиз юз минг беш юз қирқ минг)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Таъминотчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан ун банк қунида молиялаштирилади ва қолган 90 % миқдоридаги тўлов махсулот етказиб берилиши мобайнида ҳамда Буюртмачи ва Таъминотчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш етказиб берилган махсулотлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Таъминотчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш моллари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи эса қурилиш-молларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

21. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган ишлар миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Таъминотчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

22. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – таъминот булимига тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Таъминотчи қорхона томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

23. Таъминотчи булими вақили ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Агар Буюртмачи Таъминотчидан олган қурилиш молларининг сифатсизлиги сабабли бажараётган ишларининг сифати таъсир қилганлиги аниқласа, у ҳолда Таъминотчи ўз қучлари билан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Таъминотчи сифатсиз қурилиш моллари орқали етказган зарарини қелишилган муддатларда тузата олмаса, Таъминотчи уларни тузатишнинг кечииқиши оқибатида етказилган зарарларни барчасини Буюртмачига тўлайди.

Агар Таъминотчи сифатсиз қурилиш моллари оркали етказган зарарини келишилган муддатларда тузата олмаса, Таъминотчи уларни тузатишнинг кечиикиши оқибатида етказилган зарарларни барчасини Буюртмачига тўлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Таъминотчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни узгартириш қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

28. Таъминотчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ҳужжатларга ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сифатини, уларнинг ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- махсулотларни қабул қилишда фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Таъминотчи ва Буюртмачининг икки томонлама ҳужжатда қайд этилади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланишидан олдин Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Таъминотчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Таъминотчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Таъминотчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Таъминотчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ қурилиш моллари сифатсизлиги сабабли назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Таъминотчи:

- ишларнинг бажарилиши Таъминотчи боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида бошқа қонун

хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

35. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Таъминотчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини 15 банк кунда сабабсиз Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- шартнома шартларига муофиқ сифатли қурилиш молларини қабул қилиш учун тақдим қилинганда асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

36. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Таъминотчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

-Маҳсулотларни етказиб бериш жадвалида белгилангандан кам миқдорда олиб келса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Етказиб бериш даврида белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

37. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

38. Томонларнинг жавобгарликка тортилиб тўлайдиган, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 15% ошмаслиги керак.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

42. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.

43. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

44. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

46. Мазкур шартнома « 31 » « декабр » 2022 йилгача амал қилади.


XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.


БУЮРТМАЧИ:


ТАЪМИНОТЧИ:


Гузур тумани ДСИ	Лауро Строй сервис м.ш.ж.
Манзили: Гузур туман Узбекистон кўча	Манзили: Гузур Туман Узбекистон кўча
Тел/факс: 75-552-22-74	Тел/факс: 91640 07 01


X/p: 40010250102077011332093001	X/p: 2020 8000 2047 1121 6001
СТИР: 200676546	СТИР: 300 860 465
Банк: Марказий Банк	Банк: Миллий Банк Ғуздор Филиали
МФО: 00017	МФО: 00450



 Директор _____ С.С.Бобокулов
 (имзо)
 М.Ў.




 Директор _____ А.Гуламов.
 (имзо)
 М.Ў.




 R. Orulova



«Бажарувчи»

"LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ
(мол етказиб берувчи номи)

Манзили Ғузур туман Ўзбекистон кўчаси

тел/факс 91-640-01-01
х/р 20208000204711216001
банк номи Миллий банк
МФО 00450 СТИР 300860465
ОКОНХ
ХККМ

«Буюртмачи»

Ғузур туман Давлат солиқ инспекцияси
(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзили Ғузур туман Ўзбекистон кўчаси

тел/факс 75-552-22-74
ш х/в 400110860102077011332093001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200676546
ОКОНХ


Ғазна х/р 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
МФО 00014
Ғазначилик бўлини маси СТИРи 201122919

Спецификация

№	Хизмат тури	Улчов бирлиги	Сони	Суммаси	Жами суммаси
1	Плафон светильника	дона	24	61900	1485600
2	Розетка штепсельная бытового назначения	дона	15	14900	223500
3	Выключатель автоматический на напряжение более 1 кВ	дона	15	14900	223500
4	Лампа светодиодная	дона	18	17900	322200
5	Кабели силовые с алюминиевой жилой на напряжение более 1 кВ	метр	300	2490	747000
	Жами				3001800


Жами 3001800 (уч миллион бир минг саккиз юз сум)

«Бажарувчи»


А.Ғуломов
(рахбар имзо)



«Буюртмачи»


С.Бобокулов
(рахбар имзо)

